

Special Issue on "Innovative Economy: Challenges, Analysis and Prospects for Development"
Published in Aug-2021

The Digital Economy is the Foundation of the Modern Economy

Saatova Lolaxon Ergashevna

Аннотация:

Ушбу мақола бугунги куннинг энг долзарб мавзуси ракамли иқтисодиёт ҳақида сўз олиб борилган. Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг белгилари, курсаткичлари ва унинг баҳоланиши ҳамда ЯИМдаги улуши давлатлар мисолида келтирилган.

Таянч иборалар: ахборот технологиялари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, ялпи ички маҳсулот, улуш, интернет, атама, электрон базалар.



Ph.D., Teacher of Department of Information Technology, Higher Military Aviation School of the Republic of Uzbekistan

Кириш. Бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бу - ахборот технологияларини ривожлантириш ва амалиётга кенг жорий этилиши мамлакатимизнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг тез суръатларда жорий қилиниши ва барча жабҳаларнинг рақамлаштирилиши янги атама, яъни “рақамли иқтисодиёт” атамаси кенг омма орасида ишлатила бошланди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида “2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Шундан кейин фуқароларда “рақамли иқтисодиёт” атамаси ҳақида кўплаб саволлар туғила бошлади. [1]

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт тушунчаси ҳақида турли ёндашувлар мавжуд. Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимиdir. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт, замонавий иқтисодиёт ёки веб-иктисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади. Бундан ташқари рақамли йўқ нарсадан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Балки замонавий янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ҳамда уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга ўтказиш демакдир.[2]

Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсақ, XXI асрнинг 90 йилларида америкалик дастурчи Николас Негропонте “Рақамли иқтисодиёт” атамасини амалиётга киритди. Ҳозирги кунда бу атамани бутун дунёдаги сиёsatчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар томонидан - деярли барча қўлламоқда. Бу борада, биринчи бўлиб 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида ilk марта маъруза эълон қилди. Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир.

Илмий адабиётларда ҳозирги замон “Янги рақамли иқтисодиёти” турли хил атамалар билан номланади. Масалан, “постиндустриал иқтисодиёт” (Д.Белл), “ахборотлашган иқтисодиёт” (О.Тоффлер), “мегаиктисодиёт” (В.Кувалдин), “ахборот ва алоқага асосланган иқтисодиёт” (И.Ниинилуто), техноиктисодиёт ёки рақамли иқтисодиёт” (Б.Гейц), “билимларга асосланган иқтисодиёт” (Д.Тапскотт).[3]

Рақамли иқтисодиёт терминига махаллий иқтисодчи олимлар томонидан таъриф берилган. Жумладан, академик С.С.Ғуломовнинг фикрича “Рақамли бизнес бу – жисмоний ва рақамли дунёларни бирлаштирадиган янги бизнес-моделлар пайдо бўлишидир.”[4]

Тадқиқот методлари. Ушбу бўлимда натижаларни олиш учун ишлатилган усуллар ва методлар келдирилади, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, статистика ва таққослаш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот жараёнida олинган натижаларнинг қисқача тавсифи:

рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ахборот коммуникация технологияларни қўллаш борасидаги айрим хорижий ва махаллий иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари тақдим этилди;

рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун дунё мамлакатларининг АҚТни ривожлантириш учун инновацион технологияларни кенг қўллашни жадаллаштириш

мақсадида шарт-шароитлар яратиш борасыда статистик маълумотлар таққосланди.

Таҳлил ва натижалар. Юқорида келтирилган хорижий ва махаллий олимларнинг фикрлари орқали биз ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт билан бирга ҳам нафас эканлигимизни бир нечта мисоллар билан кўриб чиқишимиз мумкин. Жумладан, биз бозорга бориб ўзимизга керакли бўлган маҳсулотларни харид қилишимиз шарт эмас, балки бевосита мобил телефонларимизни ёки компьютерларимизни интернет тармоғига улаб, ижтимоий тармоқлар, телеграммдаги савдо ботлари орқали ўз хариддаримизни амалга ошироқдамиз.

Бундан ташқари, иш маошимизнинг пластик карточкаларда тўланиши, яъни электрон пуллар, электрон тўловларни амалга ошириш, картадан картага пул ўтказиш, коммунал тўловларни амалга ошириш, солиқ тўловларини тўлаш, электрон тарзда солиқ декларациясини топшириш, турли хил ҳисботларни жўнатиш, таксиларга буюртма қилиш, автобусларнинг бекатларга дақиқаларда келишини кўриш, он-лайн таълим олиш, он-лайн кридетга ҳужжат топшириш, интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш, бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қилиш, электрон ҳужжат алмашинуви, уйга таом буюртма қилиш, сервис хизматлардан фойдаланиш ва етказиб бериш шартларини ва ҳоқазоларни мисол қилишимиз мумкин. Шу ўринда рақамли иқтисодиётнинг белгилари ва қулайликлари санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.[5]

Рақамли иқтисодиётнинг белгилари:

1. Юқори даражада автоматлаштирилганлик;
2. Электрон ҳужжат алмашинуви;
3. Бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;
4. Маълумотлар электрон базалари;
5. CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;
6. Корпоратив тармоқлардир.

Рақамли иқтисодиётнинг қулайликлари:

1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун транспорт харажалари ва бошқа харажатлар тежалади).
2. Маҳсулот ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумотларга эга бўлинади.
3. Рақамли дунёдаги маҳсулот ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш йўллари очилади.
4. Истеъмолчиларнинг фикри тез олиш ҳисобига олган ҳолда маҳсулот ва хизматлар кўрсатиш жадал такомиллаштирилади.
5. Тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ ва етказиб бериш шарти билан маҳсулот ва хизматларни хариди амалга оширилади.

Юқорида санаб ўтилган рақамли иқтисодиётнинг белгилари ва қулайликларидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ахборот-коммуникация технологияларининг юқори суръатларда иқтисодиётимизга жорий этиш зарур. Рақамли платформаларнинг ривожланиш соҳасидаги аниқ далиллардан бири сифатида Хитой компаниясининг “Алибаба” электрон савдо тизимини кўришимиз

мумкин. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта раҳобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” бу – оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимиdir.

Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, одатда қуидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

- рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши;
- АКТ соҳасига инвестициялар ҳажми;
- Интернет тезлиги, мамлакат ҳудудини қамраб олиш даражаси ва аҳолининг фойдаланиш имконияти;
- электрон тижоратни ривожлантириш;
- ташкилотларни АКТ мутахассислари билан таъминлаш.

Хозирги кунда Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2,2 фоизни ташкил этади. Айни пайтда рақамли иқтисодиётнинг ўртача мақбул кўрсаткич 7-8% деб ҳисобланади, масалан, Буюк Британияда бу кўрсаткич 12,4%, Жанубий Кореяда - 8%, Хитойда - 6,9%, Ҳиндистонда - 5,6%, шу билан бирга Россияда - 2,8%, Қозогистон - 3,9%. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасига мувофиқ, ЯИМдаги АКТ хизматларининг улушини 2025 йилга келиб 5,0% га, 2030 йилга келиб эса 10%гача ошириш режалаштирилмоқда [6]. Қуидаги 1-расмда дунё мамлакатларининг рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши тўғрисидаги таҳлиллар устунларда келтирилган.



1-расм. Дунё мамлакатларининг рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.

Иккинчи кўрсаткич - АКТ соҳасига инвестициялар АКТ соҳасига инвестициялар мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш учун жуда муҳимдир, бу инновацион ривожланишни рағбатлантиради, меҳнат унумдорлигини оширишга, харажатларни камайтиришга ва иқтисодий фаолиятнинг янги турларининг пайдо

бўлишига олиб келади, шу билан бир қаторда, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилайди.

Шуни айтиш жоизки, ушбу соҳага инвестицияларни жалб қилиш динамикаси кўп нарсани талаб қилмайди, аммо маълум яхшиланишлар мавжуд. 2019 йилнинг биринчи ярмида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига инвестициялар 2018 йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар кўпайди.

2018 йилда бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан деярли 2 баравар камайди - 1,9 дан 0,9 трлн. сўмни ташкил этди. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги инвестициялар улушининг кўрсаткичи 2018 йилда 2017 йилга нисбатан ва 2019 йилнинг биринчи ярмида 3 мартадан кўпроқ камайди ва 2018 йилнинг шу даврига нисбатан деярли ўзгармади ва шаклланди.

2017-2019 йилларда Ўзбекистонга ўртacha 200 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилди. Таққослаш учун: 2018 йилда АҚШ АҚТ ни ривожлантиришга 1,3 трлн. долларни, Хитойда - 499 млн. долларни, Беларусияда фақат АҚТга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,5 млрд. долларни ташкил этди. IDS аналитик компанияси мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, дунё бўйлаб АҚТ қиймати ҳар йили 3,8 фойзга ошади ва 2023 йилга келиб 4,8 трлн. долларга ўсади.

Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлардан бири электрон тижорат тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, электрон тижоратни ривожлантириш ҳам давлат сиёсатида катта аҳамиятга эга.

Президентимизнинг 2018 йил 14 майда қабул қилинган “Электрон тижоратни ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофик, электрон тижорат соҳасида тадбиркорлик субектларини рағбатлантириш мақсадида e-tijorat.uz электрон тижорат субъектларининг миллий реестри яратилди, айни пайтда 32та корхона рўйхатдан ўтган.

Давлат реестрига ихтиёрий ва бепул асосда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар киради, улар электрон тижорат орқали товарлар ва хизматлар сотишдан тушган тушум, уларнинг сотган товарлар ва хизматларининг умумий ҳажми камида 80 фойзини ташкил этади.

Ўзбекистонда асосий универсал электрон савдо майдончasi Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган. Бу майдонча “Trade Uzbekistan” савдо майдончasi (tradeuzbekistan.com-веб-сайти) деб номланган. Бундан ташқари бошқа электрон савдо майдончалари ҳам ишга туширилган, масалан, B2B форматидаги тўқимачилик корхоналари учун uzbtextile.com, кичик ва ўрта бизнес учун universal.uz ва бошқа савдо майдончалари ишга туширилган.

Хозирги кунда e-tijorat.uz электрон тижорат субъектларининг миллий реестрида атиги 32 субект рўйхатга олинган. Шу билан бирга, 2019 йил ноябр ҳолатига электрон тижорат соҳасида фаолият юритувчи www.uz миллий ахборот-қидириув тизимида фақат 69 та веб-сайт тақдим этилган. 2019 йилнинг иккинчи чорагида электрон тижорат операциялари сони 75,39 миллионни ташкил этди ва транзакциялар ҳажми 3,515 трлн. сўмни ташкил этди. Биринчи чоракда бу кўрсаткичлар 73,8 миллион ва 2,516 трлн. сўмни ташкил этди.

Шуни айтиш жоизки, юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Конунчилик палатасига қилган Мурожаатномаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни

жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган эканлигини таъкидлаб ўтган эдилар. Бундан ташқари Иқтисодиёт, Молия, Ахборот технологиялари, Адлия вазирликлари ва бошқа қатор давлат тузилмалари рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун ўзига хос масъулият ва вазифаларга беркитган эдилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, президентимиз томонидан рақамли иқтисодиётни кенг жорий этиш учун олиб борилаётган ислоҳотлар юртимизни равнақи, иқтисодиётимизни ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш қаратилгандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони 2020 йил 2 мартағи ПФ-5053-сонли Фармони.
3. Tapskott Don. “Электронно-цифровое общество: Плюсы и минусы эпохи интеллекта. - Киев: ITN Press, 1999.
4. Gulyamov S. S. va boshq. Raqamli iqtisodiyotda blokchyeyn texnologiyalari. O‘quv qo‘llanma 21-22 betlar .TMI 2019 yil -447 bet.
5. kun.uz
6. itu.int